

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA info@adolatgz.uz www.adolatgz.uz www.adolat.uz № 17 (1238) 2019-yil 26-aprel, juma

“БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ” ТАШАББУСИ ДОИРАСИДАГИ САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан “Бир макон, бир йўл” иккинчи халқаро форумида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Хитойда бўлиб турибди.

Ташриф доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, узоқ муддатли тараққиётнинг умумий ёндашувларини муҳокама қилиш мақсадида бир қатор давлатлар раҳбарлари, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директорлари билан учрашувлар ўтказди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ РАИСИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга ташрифи 25 апрель куни эрталаб Пекин шаҳрида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашувдан бошланди.

Хитой раҳбари Шавкат Мирзиёевни “Бир макон, бир йўл” иккинчи халқаро форумида иштирок этиш учун Пекинга ташрифи билан қутлади. Си Цзиньпин Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини юксак қадрлаши ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қатъий интилишини таъкидлади.

— Хурматли Президент, сиз биринчи форумда ҳам иштирок этганингизни мамнуният билан эсламан, — деди Си Цзиньпин. — Шу маънода, сизни “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг асосчиларидан бири сифатида биламиз. Ўзбекистоннинг форумга эътибори ва ундаги иштироки мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожидан далolat беради. Утган йил июнда ШХТнинг Циндао саммитида иштирокингиз чоғида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича кўплаб келишувларга эришилган эди. Бугун улар изчил амалга оширил-

моқда. Ишончим комилки, Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг истиқболли порлоқ. Сизнинг ушбу ташрифингиз ҳар томонлама стратегик шериклигимизни янги bosқинга олиб чиқадди.

Давлатимиз раҳбари халқаро форумда иштирок этиш таклифи учун миннатдорлик билдириб, ушбу тadbир ҳам икки томонлама, ҳам минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Сизни ва мамлакатингиз халқини яқинлашиб келаётган муҳим сана — Хитой Халқ Республикаси ташкил этилганининг 70 йиллиги билан муборакбод этаман. Давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувлари ва сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги bosқинга кўтарилди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон ва Хитой ҳар томонлама стратегик шериклардир. Тошкент Пекиннинг ташкисий йўли ва ягона Хитой ма-

салалари бўйича қатъий позициясини, терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлайди. Хитой мамлакатимизда амалга оширилган ишлохотлар ва Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсатини олқишлайди. Давлатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Си Цзиньпин “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси Ўзбекистонда қабул қилинган 5 та йўналишдан иборат Ҳаракатлар стратегиясига тўла ҳамоҳанг эканлигини таъкидлади. Мамлакатларимиз савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор.

Хитой Ўзбекистондан юқори сифатли қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини импорт қилишга тайёр. Бизнес алоқаларини замонавий bosқинда ривожлантириш, энергетика соҳасидаги қўшма лойиҳалар кўламини кенгайтириш, халқаро магистрал автомобиль йўллари ва темир йўллар қуриш лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди. Илм-фан, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва Ўзбекистонда Хитой маданият марказини ташкил этиш таклифи билдирилди.

Хитой “Самарқанд сити” лойиҳасини амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларга хайрихоҳлик билан қарайди. Марказий Осиё минтақасида ва қўшни Афғонистонда тинчлик-осойишталикни сақлашда Ўзбекистоннинг хиссасини алоҳида эътироф этилади. Чин мамлақати ШХТ доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг фаолиятини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиши кайд этилди.

Хитой — Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан бири. Ўзаро товар айирбошлаш изчил ўсмокда. Утган йил якунларига кўра, унинг ҳажми 6,4 миллиард доллардан ошган.

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган Хитой инвестициялари ва кредитлари ҳажми 8 миллиард доллардан ошди. Президентимизнинг 2017 йил май ойида ХХРга давлат ташрифи натижасида умумий қиймати 4,5 миллиард доллардан зиёд лойиҳалар амалга оширилмокда.

Учрашувда товар айирбошлаш янада кенгайтириш ва диверсификация қилиш масалалари муҳокама қилинди, ўзаро савдо ҳажмини яқин йилларда 10 миллиард долларга етказиш-

дан манфаатдорлик билдирилди. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция, инновация ва технологиялар жалб этиш соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш истиқболларига, турли соҳаларда ҳамкорлик бўйича янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш, минтақанинг транзит ва транспорт-коммуникация салоҳиятини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Саноат, молия, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон “Бир макон, бир йўл” ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлаши ва унинг кенг қўламда рўйбга чиқарилишига амалий хисса қўшишга тайёр эканини таъкидлади.

Хитой Раиси Ўзбекистоннинг бу борадаги иштироки ва ташаббуслари Хитой билан Ўзбекистон ва Марказий Осиё ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Учрашув якунида Шавкат Мирзиёев Си Цзиньпинни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди.

МУНОСАБАТ

Инсон ҳуқуқлари БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДАН БОШЛАНДИ

Биз болажон халқмиз. Бу бугун ёки кеча шакланган анъана эмас, балки асрлар давомида бизга мерос бўлиб келаётган қадриятдир. Бу қадриятларнинг тағ замирида болани эъзозлаш, унга, энг аввало, инсон сифатида муомалада бўлиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш масалалари ётади. Эндиликда халқаро миқёсда эътироф этилаётган бу ҳуқуқ нормалари аслида юртимизда қадим-қадимдан шакланган.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК — ИНСОНИЙ БУРЧ

Самарқандда 70 нафар уруш қатнашчисига пул мукофоти берилди

Самарқанд шаҳрида яшовчи Зойир Муродов бу йил 94 баҳорни қарши олди. У фронтга юборилганда кишмиш заводида от-арава ҳайдаб юрган ўспирин эди. 17 ёшида уни ҳам ҳарбий хизматга жалб этишди. Уч йил аёвсиз жангларида қатнашиб, уч марта яраланди. Ҳаётнинг оғир синовларини бошидан ўтказди. Насибаси узилмаган экан, 1945 йилда урушдан соғ-омон қайтиб келди.

СЎЗ — ЁШЛАРГА



YouTube


маънавиятимизни ютиб юбораяпти(МИ)?!

Бугунги замонавий ҳаётимизни интернетсиз, ижтимоий тармоқларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кўпчилик, айниқса, ёшларимиз ижтимоий тармоқларда “яшайди”, десак ҳам бўлаверадимиз. Албатта, YouTube видеохостинги ранг-баранглиги, турфа қизиқарли видеоларга бойлиги билан ҳам кўп миллионлик аудиторияга эга. Лекин минг афсуски, ушбу тармоқда тенгдошларимиз тарбиясига салбий таъсир қилувчи турли порнографик, экстремистик ёхуд бизнинг миллий маънавиятимизга ёт гоёларни тарғиб қилувчи видеороликлар ҳам учраб турадики, биз яшаётган “ахборот асри”да бу ҳолатга кўз юмиб бўлмайди. Тўғри, бугун биз эркин, демократик жамиятда яшаётимиз. Бирон-бир ижтимоий тармоқни ёки сайтни тақиқлаш ёки блоклаш ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Лекин тақиқлаш мумкин эмас деб, ёш авлод тарбиясини ҳам ўз ҳолига ташлаб қўя олмаймиз-ку. Келинг, хулоса чиқаришдан аввал YouTube ижтимоий тармоғи ҳақида турли соҳа вакилларининг фикрлари билан танишайлик.

ТАШАББУС

Янгиланаётган Бўканинг бир куни

Утган икки ҳафтада марказий нашрлар ва марказий телевидениеда Бўка тумани ҳақида бот-бот янгиликлар берила бошлади. Албатта, бир туманининг мамлакат матбуотида бу даражада кенг ёритилиши ҳар кун кузатиладиган воқеа эмас. Хўш, Бўка тумани нега миллий матбуотимиз тилидан тушмай қолди? Туманда қандай ишлар амалга оширилмокда? Бир туманда амалга оширилаётган ишлохотларнинг мазмун-моҳияти нималардан



иборат ва у келажак учун нима беради? Шу ва шунга ўхшаш бир қатор саволларга

жавоб топиш мақсадида Бўка сафарига отландик.



ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2018 йилги ҳисоботи” тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Тиббиёт:

маблағлар тўлиқ сарфланмаганлиги танқид қилинди

Қайд этилганидек, Ҳисоб палатасининг 2018 йилдаги фаолияти “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида ташкиллаштирилиб, Давлат бюджети шаклланиши ва даромадларини кўпайтириш заҳираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш, Президентимизнинг қарор ва топшириқларининг, шу жумладан, ҳудудларга амалга оширилган ташрифлар давомида белгиланган вазибаларнинг ижросини таъминлашга қаратилди.

Ўтказилган ўрганишлар натижасида ноқонуний ва самарасиз харажатлар ҳамда бюджет тизими бюджетларига қўшимча даро-

мадлар аниқланиб, норматив ҳужжатларни такомиллаштириш ҳамда мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича таклиф ва эътирозлар киритилди, амалий ёрдам ва кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда фракция аъзолари томонидан 2019 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳасини кўриб чиқиб, 2019 йилги бюджет даромадлари прогнози белгила-нишида 5,2 триллион сўм солиқ тушумларининг манбалари мавжуд эмаслиги, 60,0 миллиард сўм солиқ ва 143 миллиард сўм божхона тушумлари тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги аниқланиб, қайта ҳисоб-китоб қилинганлиги “Адолат” қонун устуворлигида таъминлини амалиётга янада кенг жорий этишни устувор мақсад деб билган партияимиз гоёларига мос эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Тарғибот ишида юзакиликка йўл қўйиш

АҲОЛИ ИШОНЧЕНИ СУСАЙТИРАДИ

СЕМИНАР

“Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун” деган эзгу ғоя атрофида бирлашиб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосидаги ҳуқуқий демократик давлат, адолат тамойиллари таъминланган фуқаролик жамияти барпо этиш Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг бош мақсади бўлиб, партия депутатлари ва фаолларининг ҳар бир амалий иши ушбу эзгу ғояни рўёбга чиқаришга қаратилган. Худудий партия ташкилотларида ўтказилган семинар тадбирларида ҳам депутатларнинг бу борадаги фаолияти хусусида сўз борди.



СИРДАРЁ. Гулистон шаҳрида ўтказилган “Жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда сиёсий партиянинг ўрни” мавзусидаги семинарда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш сайловлар йилида муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

— Ҳар бир ҳудудда аҳолининг партияга муносабати, ишончи сайловлар йилида яна бир бор ўз ифодасини топади, — деди партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов. — Бу қай даражада акс этиши, сайловлар оралиғидаги фаолиятимиз, ҳудудлардаги партия ташкилотлари, депутатлар, ҳар бир сафдошимизнинг саяё-харакатлари, аҳоли билан яқин алоқада ишлаш ва аниқ натижаларга кўпроқ эришиш билан белгиланади.

Вилоят партия кенгаши раиси Дилшунос Абдуллаеванинг “Партияни омма орасида кенг тарғиб қилишда пиар технологиялардан фойдаланиш” мавзусидаги маърузаси юзасидан иштирокчилар ўз фикр ва тақлифларини билдиришди.

— Аввало, туман, шаҳар партия кенгашларининг бу йўналишдаги фаолиятини кескин жонлантириш зарур, — деди Д.Абдуллаева. — Ахборот технологиялари юксак тараққиёт этган бугунги даврда одамларнинг дунёқараши ва онги ҳам шунга мос равишда ўсиб бормоқда. Умумий аудиторияни қамраб олиш пиар технологияларни нафақат ўрганишни, балки бу технологиялар асосида мунтазам ишлаш кераклигини аниқлатади. Чунки, дейлик, интернет ҳар кун, ҳар соатда деярли барчанинг назарида туради. Демак, бу аудиторияни бой бериб бўлмади.

Иштирокчилар интернетнинг замонавий имкониятларидан партиянинг тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкил этишда унумли фойдаланиш зарурлиги, бу борада хали қилинадиган ишлар кўпчилигини алоҳида таъкидладилар.

АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

Юртимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, қишлоқ ва маҳаллаларда яшаётган фуқаролар ҳолидан хабар олиш, камчиликларни жойида бартараф этиш, одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлаш давлат идоралари, раҳбар ходимларнинг ҳамда жамоат ташкилотларининг устувор вазифасига айланган.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Қарши шаҳар кенгаши фаоллари ва депутатлар “Буюк Турон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги хонадонларда бўлиб, фуқаролар билан юзма-юз мулоқот қилдилар.

— Мулоқот чоғида фуқароларни ўйлантириб келаётган бир қатор муаммолар аниқланди, — дейди халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзоси Тоштурди Тўраев. — Таҳлилларда шу нарса маълум бўлдики, маҳалла аҳолисини ички йўлларнинг носозлиги, тадбиркорлик қилиш учун ер, кредит олиш муаммолари қийнамоқда. Ушбу мурожаатларнинг аксария-

тини маҳалла, шаҳар миқёсида ҳал этишга эришидик. Ички йўллар



ҳолатини яхшилаш юзасидан “Йўлқурилиш” вилоят бошқармасига депутатлик сўрови юбордим. Мурожаат қилган бошқа фуқароларга кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланиш, банклардан

Таклифлар рўёбга чиқмоқда

имтиёзли кредит олиб, иссиқхона ташкил этиш, паррандачилик, чорвачилик, балиқчиликни йўлга қўйиш, лимон, ёнғоқ экиб, қўшимча даромад олиш юзасидан тушунчалар бердик.

— Мурожаатим тезда ўрганилиб, банкдан кредит олиш ва асаларичилик, паррандачиликни йўлга қўйиш, иссиқхона ташкил этишимда “Адолат” партиясини фаоллари ва депутат Тоштурди Тўраев ёрдам берганидан

мамнунман, — дейди маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаро Зокир Раҳимов. — Энди оилामиз аъзолари ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиб, юртимиз равнақи, бозорларимиз тўқин

бўлишига ҳисса қўшамиз. Партиянинг “Адолат” қонун устуворлиғида лойиҳаси доирасида халқ депутатлари Чироқчи тумани Кенгашидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Собир Аҳмедов

бошчилигидаги ишчи гуруҳининг “Сойбўйи” маҳалласи аҳли билан ўтказган юзма-юз мулоқоти ҳам ғоят самарали кечди. Ишчи гуруҳ аъзолари 50 га яқин хонадонларда бўлиб, аҳолини ўйлантириб келаётган турли масалалар ва тақлифларни ўргандилар. Мухими, ўртага ташланган муаммолар ечими бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиладилар.

— Аҳолининг дарду ташвишларини тинглаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш мақсадида ўтказилган учрашувларда фуқаролар кўндан бўён суюлтирилган газ баллонлари билан таъминлаш муаммо бўлиб келаётганини айтишди, — дейди Собир Аҳмедов. — Ушбу масалада Чироқчи “Тумангаз” филиали раҳбари

соғлом юрт — қудратли бўлур”, “Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик” лойиҳалари доирасида ўрганишлар олиб борилди. Ўрганишлар асосида партия депутатлари ташаббуси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида 34, доимий комиссияларга 100 дан зиёд масалалар киритилиб, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан депутатлик назорати ўрнатилди.

Хусусан, “Адолат — қонун устуворлигининг гарови” лойиҳаси доирасида 698 та МФЙда, хонадонларда фуқаролар билан мулоқотлар олиб борилди. Учрашувларда турли масалаларга доир 2000 дан зиёд мурожаатлар келиб тушди. Мазкур мурожаатлар асосида мутасадди ташкилотларга 621 та депутатлик сўровлари киритилиб, уларда қайд этилган масалаларнинг аксарияти ижобий ечим топишига эришилди.

Таҳлил ва хулосалардан келиб чиқиб, семинар иштирокчилари галдаги вазифалар ҳақида фикрлашиб олишди.

Л.САЙДОВА, М.БОБОНАЗАРОВА, М.АБДУЛЛАЕВА, Самарқанд, Сирдарё, Бухоро вилоятлари кенгашлари матбуот котиблари

ДЕПУТАТ АРАЛАШГАЧ

Амударё туманидаги “Тоштўғон” маҳалласида янги ариқ барпо этилган, аҳолига бошқа бир ноқулайлик юзага келди. “От минсанг, эгар-жабдуғи билан” деганларидек, ариқ қазисанг, кўприги ҳам бўлсин экан.

“Тоштўғон”да кўприк қурилди

Азалдан қўни-қўшни, маҳалла-қўй, ҳамма бир-бири билан аҳил ва бир-бирига кўмақдош, бир-бировига иши тушади. Шу билан бирга, кимдир ишга, ўқувчилар мактабга шошади. Хуллас, йўл қулай ва равон бўлгани яхши. Дейлик, икки қадам йўлга каттароқ ариқни ҳатлаб ўтиш имкони бўлмай, узоклардаги кўприкка бориб, айланиб келишга беҳуда вақтинг кетаети, ҳар кун шундай овора бўлишга ҳожат борми? Гап шундаки, ариқ бор жойда кўприкка зарурат туғилади. Халқ депутатлари Амударё тумани Кенгаши депутати Баҳром Шермановга ўзи сайланган “Жумуртов” сайлов округида яшовчи бир гуруҳ сайловчилар мурожаати ҳам шу масалада эди. Ўрганишларда аён бўлганидек, “Тоштўғон” маҳалласидаги янги ариқнинг иккала томонидаги аҳоли фойдаланиши учун ўртада кўприк йўқлиги муаммога айланган.

Депутат мазкур масалага ечим топишга киришди ва ўзи раҳбарлик қилаётган “Йўлдаш Шермон” МЧЖ ҳомийлигида савобли ишга қўл урди.

— Барчамизга маълум, йўллар, кўприклар инсонни дийдор деб аталган кутлуғ манзил томон этлади, — дейди “Жумуртов” ШФЙ фаоли Курбанбай Алланбергенов. — Мана, ҳар кун шу кўприкдан катта-ю кичик ёшдаги кишилар, ўқувчилар ўтиб, ўз манзилига шошади. Мухими, ушбу кўприк “Жумуртов” ва “Оқ олтин” аҳоли пунктларини ўзаро боғлаб туради.

Шу боис маҳаллалар аҳли муаммога эътибор қаратиб, яқиндан ёрдам берган партия депутати ва фаолларидан мамнун бўлишди.

Айшолпан ОРАЗИМБЕТОВА, Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

“АЁЛЛАР ҚАНОТИ” ФАОЛИЯТИ

Ўзбекистон “Адолат” СДП Шофиркон туман кенгаши ташаббуси билан “Оила мустақамлигини таъминлаш: аёл, оила ва жамият” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Мутахассислар маслаҳат беришди

Партияимизнинг “Соғлом оила — соғлом жамият — порлоқ келажак” лойиҳаси доирасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда туман хотин-қизлар кўмитаси, халқ таълими бўлими, Тошкент шаҳар “Моҳирабон” ўқув маркази вакиллари ҳамда психолог мутахассислар иштирок этишди. Тадбирда оила ва жамиятда аёлнинг ўрни, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оила мустақамлигини таъминлаш омиллари ҳақида фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, туман партия ташкилоти томонидан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оила қадриятларини ёшлар онгига сингдириш, ажримларнинг олдини олиш мақсадида тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, 2019 йилнинг январь ойидан бошлаб ҳар ҳафтанинг жума кунини “Аёллар қаноти” фаоллари ҳамда туман хотин-қизлар кўмитаси вакиллари билан биргаликда маҳаллаларда психологлар иштирокида очик эшиклар кунини ташкил этиб келин-



моқда. Унда депутатлар ва тажрибали психологлар аёллар билан суҳбатлашиб, мутахассислар уларни қизиқтирган мавзуда маслаҳатлар бермоқда. Ташкил этилаётган бу каби тадбирлар давомида мурожаат қилган аёллардан 8 нафари тадбиркорликка, 63 нафари эса касб-ҳунар ўрганишга йўналтирилди. Оилавий келишмовчиликларни ҳал этишда маслаҳат сўраган 10 нафардан зиёд аёллар ўзини ўйлантирган муаммоларни ҳал этишга имкон топишди.

— Тадбиркорлик билан шуғулланиш истаганимиз эдим, аммо етарли даражада тушунчага эга эмасдим, — дейди тадбиркор Назира Икромова. — “Денов” маҳалласида партия фаоллари ташкил этган учрашувда қатнашиб, зарур тушунчалар олдим. Эндиларда нон тайёрлаш бўйича тадбиркорлик фаолиятимни бошладим.

Давра суҳбати давомида аёлларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида психологик тест-сўровномалар ташкил этилди.

Шу билан бирга, оилалар мустақамлиги ва фаровонлигини таъминлашга доир галдаги вазифалар ҳақида фикрлашиб олинди.

Зулфия АШУРОВА, Ўзбекистон “Адолат” СДП Шофиркон туман кенгаши раиси

